

# Qishloq hayoti

2010 йил Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 26-FEVRAL, JUMA, 25 (7642) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kellehlagan narxda.



...Машгулотларда ўқувчилар бўш вақтларини мароқли ўтказиш билан бирга, қизиққан соҳалари бўйича маҳоратларини оширадilar. Мўсика, тарих, тасвирий санъат, спорт ва ёш журналистлар каби тўғаракларга катта қизиқиш билдириб келишмоқда...



— Биз эрта баҳордан бу майдонларга чигитнинг "Бухоро-6" навини қайлаимиз, дейди фермер Зиёдулла Нуруллаев. — Бугунги тадоригимиз мўл ҳосилга замин бўлади.



Ҳозир республикаимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 10 минг гектар атрофида пистазор бор. Буларнинг анча-мунчаси табиатда ўз ҳолида ўсиб турибди. Масалан, Жиззах-Тошкент автомагистралининг Бўстон шаҳарчаси ҳудудидagi 25 гектарлик пистазор узоқ йиллар қаровсиз эди. Утган йили пистазор фермер хўжаликларидан бирининг ихтиёрига берилди.

## БАРКАМОЛ ЁШЛАР ЖАМИЯТ КЎРКИ

Зангиота туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказида 1160 нафар ўғил-қиз ўймакорлик, ҳайкал тарошлик, авиа-ракета модел-созлиги, бичиш-тиқиш, гилам тўқиш ва пазандачилик тўғаракларида шугулланмоқда. Туманда марказнинг яна иккита бўлими мавжуд бўлиб, уларда ҳам мингга яқин ўқувчи ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

**СУРАТДА:** бичиш-тиқиш тўғаракли бошқарувчиси Севара Мухамедова ёш тикувчи қизлар билан. Улар тиккан Ўзбекистон байроқлари тумандаги мактабларга тарқатилади.

**Р.ГАЛИЕВ**  
олган сурат.



Тошкент Вилояти

Маълумки, Тожикистон раҳбарияти томонидан Роғун ГЭСининг ўтган аср 80-йилларида бошланган қурилишини орадан 25 йилдан кўпроқ муддат ўтгач яна давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Агар ушбу объектнинг бундан қарийб 40 йил олдин тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари ўша йиллар андозалари, лойиҳавий ва конструкторлик очилмагачи асосланганлиги, улар аллақачон эскирган бўлиб, қайтадан кўриб чиқиш ва жиддий тузатишлар киритишни талаб этиши инобатга олинмаган бўлса, бундай қарор чинакамга жиддий ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас.

## Роғун ГЭСи қурилишини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш зарур

Борди-ю, Роғун ГЭСидек баҳайбат ва мураккаб сув иншооти қурилишига қайтадан киришиш мазкур объект лойиҳа ҳужжатлари ўз тарихига соҳанинг энг юксак малакали мутахассисларини олган мустақил халқаро эксперт комиссияси томонидан атрофлича экспертизадан ўтказилганидан кейин бошланганида эди, бу ҳолини тушуниш мумкин бўларди.

Агар ушбу лойиҳа тайёрланган совет даврида мустақил аудит ва мустақил экспертиза ўтказиш амалиётида қўлланилмаганлиги назарда тутилмаган бўлса, бундай экспертизанинг зарурлиги янада аққолроқ аён бўлади.

Жаҳон банки раҳбарияти Роғун ГЭСи қурилиши юзасидан зарур тадқиқотлар ўтказиш бўйича мустақил экспертлардан иборат халқаро комиссия тузишга розилиги тўғрисида бир неча бор энг юқори даражада ўз фикрини баён этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мурожаатиغا Жаҳон банки президенти Р. Зеллик 2009 йил 15 апрелда қуйдагича жавоб берган эди: "Тадқиқотлар (лойиҳа бўйича) халқаро микёсда тан олинган консалтинг компаниялари томонидан олиб борилади, улар бу ишга Жаҳон банки тартиб-қоидалари асосида ёлла-надилар.

Бизнинг ички тартиб-қоидаларимизга кўра, банк мустақил экспертларнинг халқаро комиссиясини таъсис этади, улар эса тадқиқот натижалари бўйича ўларнинг мустақил ҳулосаларини берадилар.

Жаҳон банки ошкораликни таъминлаш ва барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалаларни инобатга олиш мақсадида 2009-2010 йиллар давомида тадқиқот натижаларини тўплаш ҳамда уларни мустақил экспертлар халқаро комиссияси ва манфаатдор мамлакатлар иштирокида кўриб чиқиш жароғида барча манфаатдор мамлакатлар билан мулоқотларни давом эттиради".

Роғун ГЭСи қурилиши атрофида юз берган вазиятни ҳолисона баҳолаш ҳолда, Ўзбекистон томони Тожикистон бош вазири О. Оқилов номига жорий йилнинг 3 февралда йўлланган мактубида мазкур гидроиншоотнинг қурилиш лойиҳаси халқаро мустақил мутахассислар томонидан экспертизадан, албатта, ўтказилиши лозимлиги масаласига яна қайтишни сўраган эди.

Бироқ, бош вазирдан олинган жавобдан кўриниб турибдики, Тожикистон ҳукуматининг бундай экспертиза ўтказилишига хоҳиши йўқ ва буни мақсадга мувофиқ деб билмапти.

Боз устига, бош вазир Жаҳон банки минтақадаги манфаатдор ҳукуматлар билан Роғун ГЭСи лойиҳасини экспертизадан ўтказиш ва кенг қамровли тадқиқот ўтказиш юзасидан техник вазифаларни тайёрлаш масалалари бўйича дастлабки босқичда ўтказган масаланинг ўзини етарли, деб ҳисобламоқда. Шундан келиб чиқиб бош вазир мазкур масала бўйича Жаҳон банки билан бундан буён ҳамкорлик қилишга ҳоҳат сезмапти.

Бош вазирнинг 2006 йилда Россияга "Русал" компанияси буртмасига асосан немисларнинг "Lahmeyer" компанияси томонидан Роғун ГЭСи лойиҳаси бўйича экспертиза ўтказилган, деган яна бир фикри ҳақиқатга тўғри келмайди.

"Русал" компанияси ва "Lahmeyer" ўртасидаги битимда лойиҳани тўла-

қонли экспертизадан ўтказиш эмас, балки Роғун ГЭСи қурилиши техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш кўзда тутилган.

Аслини олганда, "Lahmeyer" компанияси экологик ва техник хавфсизлик масалалари билан шугулланмаган ва шугулланиши мумкин ҳам эмас, чунки мазкур компания бундай вазифаларни ҳал этишни кўзда тутмаган.

Яна ва яна таъкидлаб айтишга тўғри келадикки, Ўзбекистон томони Роғун ГЭСи лойиҳасининг ҳолис халқаро экспертизадан ўтказилишидан мақсад ва маънони, энг аввало, 2009 йилда Сайн-Шушенск ГЭСида юз берганидек технокор талафотлар содир бўлишининг олдини олишдан иборат, деб билди.

Дунёдаги ушбу йirik гидроиншоотнинг лойиҳаси ҳам айнан Роғун ГЭСи лойиҳаси ишлаб чиқилган йилларда ва ўша даврдаги лойиҳалаш институтлари томонидан тайёрланган эди. Дарвоқе, Сайн-Шушенск ГЭСи тўғрисидаги баландлиги Роғун ГЭСида барпо этилиши кўзда тутилган тўғрисида анча паст ва бунинг устига, Сибирь ерларида Тожикистондаги каби қучли ҳалқатли zilzilалар юз бермапти.

Агар Роғун ГЭСи қурилиши учун танланган мазилнинг 10 балли сейсмик ҳудудда ва тектоник вриққа эга ерда жойлашганлиги инобатга олинмаган бўлса, баландлиги 350 метрлик тўғрисидаги ўтирилиши қандай ҳалқатли оқибатларга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмас.

Шулар билан бир қаторда, экспертиза Роғун ГЭСи қурилиши натижасида Марказий Осиё минтақаси кенгликларидagi юз берган экологик ўзгаришлар ҳамда сув тақсимоти мувозанатидаги бузилишлар кўлими ва чегараларини ҳам аниқлаб бериши керак. Минтақадаги экология ва сув мувозанатида юзага келган омонат ва танг ҳолат ҳамда Орол денгизининг қуриши тўғрисида пайдо бўлган муаммолардан келиб чиқилса, бу вазифани нақадар муҳимлиги гоятда равшан бўлади.

Табий савол туғилади: Тожикистон ҳукумати Роғун ГЭСида, ўз қўлимига кўра гоятда улкан гидроиншоот лойиҳасини халқаро талабларга тўла мувофиқ равишда мустақил халқаро экспертизадан ўтказишга рози бўлишга нима ҳалқатли беришти?

Бинобарин, бунинг учун Тожикистон томонидан ҳеч қандай сарф-харажат талаб қилинмайди, чунки ҳудудда шу мақсадлар учун Жаҳон банкининг гранти ажратилиши кўзда тутилмапти.

Бу ўринда фақат битта жавобни куттиш мумкин. Агар тўлақонли халқаро мустақил экспертиза, чиндан ҳам, лойиҳада катта қўламдаги хавф-хатар мавжудлигини тасдиқлайдиган бўлса, у ҳолда лойиҳани қайтадан кўриб чиқиш ва тузатиш талаб қилинади, ёки умуман, мазкур объектни қуриш учун қатта ҳамдаги маблағ сарфлашининг тўғрисида ва мақсадга мувофиқлиги жиддий шубҳа остида қолиши мумкин.

Вужудга келган вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон томони Роғун ГЭСи лойиҳасини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш ва фақат шундан кейингина унинг қурилишини давом эттириш зарурлигини Тожикистон томонига тушунтира олишга умид билдилади.

Олдин мантқ ва соғлом ақл-идрок шуни тақозо этади.

## Илғор технологиялар тараққиётга хизмат қилажак

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори фан ва амалиёт уйғунлигига эришиш, ишлаб чиқаришга янги ишланмалар, янги лойиҳаларни татбиқ этиш, илмий-тадқиқот муассасалари ва иқтисодиётимизнинг реал сектори корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон мойли ва толали экинлар тажриба станцияси пойтахтимизда анъанавий ўтказиб келинаётган Иновацион гойлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида доимий иштирок этиб, тармоқдаги илғор фан ютуқларини намойиш этиб келмоқда.

Бу элти ярмаркада ҳам тажриба станцияси қатор иновацион

лоийҳалар билан иштирок этади. Ана шундай илғор лойиҳадан бири — канопнинг янги, тезлишар "Ўзбекистон-2268" навидир.

Таъкидлаш жоизки, каноп ўсимлиги — қимматбаҳо толали экин ҳисобланади. Унинг толасидан олинмаган маҳсулот

электробел, гилам тўқиш, қоғоз саноатида, пахта саноатида брезентлар, аркон, қоплар тайёрлашда хомашё сифатида кенг ишлатилади. Каноп толаси ва унинг маҳсулотларига мебель саноати, сантехникада, иссиқхоналарда хозирги кунда эҳтиёж катта.

— Янги "Ўзбекистон-2268" нави частишириш ва танлаш йўли билан олдинги навлардан яратилган, — дейди тажриба станцияси директори Исқандар Аноров. — Унинг муҳим хужати шундаки, тезлишар, яъни олдинги районлаштирилган "Ўзбекистон-2142" навиغا нисбатан 10-12 кун тезроқ пишди. Ўсимлигининг бўйи 4-4,5

метр бўлиб, пўстлоқдан тола чиқиши 55-60 фоизни ташкил этади. Тажриба станциясида яратилган лойиҳалар амалиётга кенг татбиқ этилса, халқ хўжалиги эҳтиёжи учун зарур маҳсулотни ўзимизда тайёрлаш имкониятига эга бўламиз.

Ўзбекистон мойли ва толали экинлар тажриба станциясида ишланган Ерларни лазер нивелирида текислаш усули ҳам иновацион лойиҳадир. Махсус лазер қурилмаларида текислаш усулида амалга оширилган ушбу тадбир сўғуришда сув сарфини камайтириб, урулганнинг унчанлигини ошириди, бегона ўтларнинг камайишига ёрдам беради.

Анвар ҚУЛМУРОВО,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

### Сурхондарё Вилояти

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ аҳолиси, хусусан, ёшлар учун янги уй-жойлар барпо этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

## Наврўзда янги уй-жойлар

Сариосиё туманидаги Хуфур қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Наврўз маҳалласидан ҳам уй-жой қуришга салкам 7 гектар ер ажратилди. Бу ерда 55 та уй-жой қурилади. Вилоятда 2010 йилда

қурилиши мўлжалланган, бошланғич бадал тўлови амалга оширилган 120 та уй-жойлар бўйича пудратчилар аниқланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

**Жуманазар АНОРОВ**

### Қорақалпоғистон Республикаси

## Тахياتошда меҳнат бозори

Энергетиклар шаҳри Тахياتошда меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Шаҳор ҳокимлиги, прокуратура ва Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан ташкиллаштирилган мазкур тадбирда 50 та яқин корхона ва ташилот 122 бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Меҳнат бозори якунига кўра 87 нафар фуқаро ўзлари танлаган иш ўринларига эга бўлишди. Уларнинг кўпчилиги ёшлардир.

Шаҳарда амалдаги йилда олтинта меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Оролбўйидаги 14 та туман ва Нукус шаҳрида ҳам меҳнат ярмаркалари ташкиллаштирилиб, бир неча минг фуқаро муҳим иш ўринларига эга бўлади.

**Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

### Сурхондарё Вилояти

## Паррандачилик: ХАЗИНА ТўЛА НАМОЁН БўЛМОҚДА

Оқолтин тумани омихта ем бирлашмаси марказий шохбчасида виллоятдаги ҳар бир хонадон, тошилот, корхона ва касб-ҳунар коллежсида паррандачиликни йўлга қўйишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари марказий шохбчада барпо этилган товуқчилик фермаси билан танишдилар. Тошкентдаги ҳисоблаш ускуналарини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш корхонасида тайёрланган ўч қаватли иччам батареялар қатнашчиларнинг эътиборини тортиди.

— Корхонамизда яса-лаётган ўч қаватли батареяларнинг нархи арзон.

Яна буортма асосида мосламаларнинг шаклини ўзгартириб, жой шариғига қараб мослаштириб беришимиз ҳам мумкин, — дейди Тошкент ҳисоблаш ускуналарини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш корхонаси маркетинг бўлимининг бошлиғи Баҳодир Зокиров. — Виллоятда катта ташаббускорлик билан бошланган бу хайрли ишнинг муваффақиятли амалга ошишига кўмақдош бўлаётганимиздан хурсандимиз.

— Ўтган йилнинг охири чорағида учинчи насос станциямизда то-

вуқчилик фермасини ишга туширдик, — дейди виллоят насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи Тўймурод Шарипов. — Айни пайтда паррандачилик фермамизда тўрт мингта товуқ боқилмоқда. Улардан қунига 2500-3000 та тухум оляпмиз. Бу — харажатлардан ташқари бошқармага қунига 120 минг сўм қўшимча маблағ туяпти, дегани.

Очк мулоқот тарзидаги семинарда ҳар ойда шундай тадбир ўтказилишига келишиб олинди.

Кўргазмали семинар қатнашчилар учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Ҳамкорлик қилувчи томонлар ўзаро манфаатли шартномаларни имзоладилар.

Тадбирда виллоят ҳокими Ойбек Ашурматов қатнашди.

**Элмурод МАВЛОНОВ,**  
**Бозорбой БЕКМУРОВО**

## Кўннинг муҳим воқеалари

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ Наманган виллояти ўлкашунослик музейида ёш мусавирлар кўргазмаси ташкил этилди.

Унда Намангандаги санъат ва маданият коллежлари, шунингдек, бир қатор мактабларнинг ўқувчилари икки юздан ортиқ ижодий ишлари билан иштирок этди.

Халқро хотин-қизлар кўни муносабати билан Фарғона политехника институтида "Ўзбекистонда илм-фан ва техника тараққиётда олина аёлларнинг тутган ўрни" мавзуда республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Германия техник ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Гёте институтининг Тошкентдаги идораси ҳамкорлигида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан "Баркамол авлод ва хориждаги конституциявий ҳуқуқий тажриба" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Оқлави тадбиркорликка кўмак" республика танловига голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ушбу танлов "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" жамоат жамгармаси, Иқтисодий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

**Qishloq hayoti**

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергедекдастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзгросуғурта", "Ўзвиқосаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашилизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озик-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзгросервис", "Ўзгўштсаноат" уюмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агрисаноат ходимлари касаса уюммаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Қашқадарё Вилояти

Қарши ахборот технологиялари касб-хунар коллежида айни пайтда мингта яқин йигит-қиз таълим-тарбия олмақда.

Мазкур илм масканида "Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга қўмақ" Ўзбекистон-Германия қўшма лойиҳаси

яқин компьютер, иккита лингафон хонаси ўқувчилар ихтиёрига берилган.

Билим маскани ҳақиқатан ҳам ёшларнинг сеvimли маърифат ва маънавият дар-

хон" кўрик-танловларида бир неча бор ғолибликни қўлга киритишган. — Бизда назарий ва амалий машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, — дея сўхбатга қўшилди ИКТ (информатика-коммуникация технологияси) гуруҳи ўқувчиси Жена Сулдена. — Бу ерда ўндан ортиқ миллат вакиллари таълим оляимиз.

Билим даргоҳи маъмурияти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич таълими билан ҳамкорликда Баркамол авлод йилининг дастурий вазифаларини ҳам белгилаб олган. Унда ахборот технология асрида ёшларнинг ҳар томонлама билимли, зукко, етуқ бўлишлари учун назарий билимини амалиёт билан муштажкам боғлаш, Қарши шаҳридаги мактабларда бўлиб, ёш ўғил-қизларни касбга йўналтириш соатларида фаол иштирок этиш, турли спорт

мусобақаларини ўтказиш орқали жисмоний маданиятнинг оммавийлигини таъминлаш назарда тутилган. Бунинг учун коллежда спорт зали, волейбол, баскетбол, кўл тўпи майдончалари, гимнастика хонаси мавжуд. Олти нафар олий маълумотли ўқитувчи ўқувчиларга жисмоний маданиятдан сабоқ берапти. Сирасини айтганда, касб-хунар коллежида таълим олаётган ёшлар билимга чанқок, замонавий технологияларни пухта ўрганиб, оқилона фойдаланишга муштоқ йигит-қизлардир.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

«Соғлом ёшларни кўриб қувонаман»

— дейди шифокор Муқаддамхон. Чунки бунда унинг ҳам ҳиссаси бор.

Мирзачўл туманидаги "Ўзбекистон" қишлоқ врачлик пункти мудираси Муқаддамхон Тўрақулова ҳарбий хизматдаги ўғли Нодирбекнинг бошқаларга намуна бўлаётгани ҳақида қисм қўмондонлиги юборган ташакурномани олганида ич-ичидан қувонди. Бугун эса навбатдаги чақириққа жўнатилаётган ёшлар сафларини кўриб яна бир қувонди. Айниқса, улар орасидаги икки йигит кўзига жуда иссиқ кўринди.

Сафдаларга разм солди. Барчалари тоғни урса талқон қиладиган пахлавон йигитлар. Вужудларида куч-ғайрат ёғилиб турибди. Унга таниш туюлган йигитлар — Жаъфаржон ва Орифжон эса янада кучли, соғлом, бақувватдай кўринди.

Уйига қайтаётган кўнглида ажиб фахру ифтихор туйди. Нега фахрланмасин, ахир, уларнинг соғлиги учун гўдақлигидан бошлаб шу кунларигача ота-оналари билан бирга гамхўрлик қилди.

Муқаддамхон кечагидай эсида, 1991 йили Жаъфаржон туғилганида онаси Нигорахон уни бағрига босиб қувона-қувона туғуруқхонадан қайтиб келганида она-бола саломатлигини текширишга борган эди.

...Бугун эса Жаъфаржон Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига хизматга кетмоқда. Ушандан бери мана, 19 йил ўтиб-

нинг барча ёшлари Жаъфаржон каби соғлом ва бақувват.

Муқаддамхоннинг ушбу шифо масканига ишга келганига 20 йилдан ошди. У бошчилигидаги шифокорларни чўлқуварлар ардоқлаб "Саломатлигимиз соқчилари" дейишади. Шифокорлар ҳар бир она ва бола соғлигини назоратта олишган.

— Фарзандларнинг соғлом камол топиши, аввало, ота-оналари саломатлигига боғлиқ, — дейди Муқаддамхон Тўрақулова. — Қишлоғимизда 4,2 минг аҳоли яшайди. Шулар-

дан 1912 нафари аёллар бўлиб уларнинг 1102 нафари туғиш ёши дағилар. Аҳолининг 82 нафари биёшгача гўдақлар бўлса, 1296 нафари 14 ёшгача бўлган ўсмирлар, 15 17 ёшлилари эса 282 нафарни ташкил этади.

Мутахассислар билан ҳамкорликда аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб, касаллик аниқланган беморларга тегшли тавсия ва кўмак берилиши. Қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-2" республика лойиҳаси асосида замонавий ташхис ва даволаш тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Баркамол авлод йилининг ўтган йили мобайнида аксарият болалар ва ўсмирлар умумий тиббий назоратдан ўтказилди. Зеро, Юрт бошимизнинг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод шакллантиришга қаратилган қатор қарорларда белгиланган ва зифаларни адо этиш орқали ҳам томонлама соғлом, бақувват, баркамол авлодни воёга етказиш, э саломатлигини муштажкамлашғиришамиз. Бизнинг асосий эътибори ва мақсадимиз шунга қаратилган.

К.ЖУРАҚУЛО

Замонавий масканида замонавий соҳа



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

доирасида ихтисослаштирилган билим даргоҳларида мутахассислар тайёрлаш амалга ошириб келинмоқда.

Коллеж 2007 йил октябр ойида Германия Техникавий ҳамкорлик ҳамда Германия Тараққиёт банки томонидан замонавий 6 та компьютер синфхоналари, 78 та компьютер ва техник воситалар билан жиҳозланган.

гоҳига айланган. Ўн минг китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази доимо йигит-қизлар билан гавжум. Ушбу кўтлук масканининг минг нафар аъзоси бор. Баркамол авлод йилининг дастлабки кунларида ахборот-ресурс маркази фонди яна 1,5 минг дона умумтаълим мактаблари дарсликлари билан бойиди. ЭХМ 5-гуруҳидан Насриддин Алиев, Дилдора Рўзиева, телерадио гуруҳидан Равайн Ражабов, Ғиёс Умаров, АКТ (ахборот-коммуникация технологияси)дан Абдор Анваров, Шаҳло Эламонова ушбу маърифат даргоҳининг доимий китобхоналари ҳисобланишади. Улар "Энг яхши китоб-

Сурдарё Вилояти

Тотим дарахтининг кўрки ўзгача

унинг шўрга чидамлиги ва бошқа хусусиятлари эътиборга молик

Мен ҳам тенгдошларим қатори барча шарт-шароит мавжуд ва замон талабларига мос жиҳозланган илм даргоҳида тахсил олялман. 2007 йилда Гулистон қириш касб-хунар коллежини тамомлаб, Гулистон давлат университетига ҳужжат топширдим. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртининг талабаси бўлдим. 2008 йилда табиий ва аниқ фанлар бўйича бериладиган Мирзо Улуғбек стипенди-яси учун ўтказилган танловда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдим. Бу муваффақиятларни,

нафақат изланишларим натижаси, балки биз, ёшлар учун яратилаётган қулай шароитлар самараси деб биламан.

Табиатунослик факультетида ўқиш билан бирга Мирзачўл воҳаси экологиясини яхшилаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, бойитиш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқдаман. Тотим дарахти биологикаси мавзусида олиб бораётган тадқиқотларимиз амалга ошадиган бўлса, атроф-муҳит гўзаллиги ва мусаффолиги улуш қўшган бўлардиқ. Зомин ва Ҳўжамушкент тоғ ба-

Азизбек АБДУРАИМОВ Гулистон давлат университети талабаси

Касб аввали билимдан

Галаосиё педагогика коллежининг ташкил этилганига бу йил олти йил тўлади. У вилоятда коллеж сифатида фаолият бошлаган илк илм масканидандан бири. Мазкур билим юртига педагогика коллежи мақоми берилганидан кейин бу ерда кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги ўқув бинолари қад ростлади, борлари қайта таъмирланди. Замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари келтириб ўрнатилди. 2 та компьютер ва лингафон хоналари, ошхона ва ётоқхона ташкил этилди.

Бугун мазкур даргоҳда 1650 нафар ёшлар мактабгача таълим, жисмоний тарбия ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича касб сирларини ўрганмоқдалар. Уларга 200 дан ортиқ ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Айниқса, Гўзал Эшонгелдиева, Хуршида Ҳамидова, Ҳамида Содикова, Йўлдош Абдуллаев каби илгор ва ташаббускор муаллимлар ёшларга янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллари қўллаш асосида сабоқ бермоқдалар.

лар каби тўғарақларга катта қизиқиш билдириб келишмоқда. Шу боисдан, ўқувчиларимиз ёшлар ўртасида ўтказиб келинаётган турли кўрик-танлов ва мусо-

бақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Коллеж ўқувчилари Азиз Курбонов ва Қажор Раҳмонов "Шунқорлар" спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, спорт усталлигига номзод бўлишди. Зарнигор Рамазонова тазквондо бўйича қора белбоғ соҳибаси бўлса, Зилола Норова миллий кураш бўйича Осиё чемпионлигини қўлга киритди. "Ёш журналистлар" тўғарақининг аъзолари Юлдуз Жўрақулованинг шеърли тўпламлари чоп этилган, Ситора Шарипо-

ва ва Севара Бозоровалар ўз иход намуналари билан вилоят ва республика даврий матбуотида тез-тез қатнашиб туришади.

Бир сўз билан айтганда, истиснодди ўқувчиларни ўз бағрига олган ушбу таълим даргоҳида ёш авлодининг чуқур билим олиб, камолга етиши учун барча қулайликлар яратилган.

Хамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Бухоро Вилояти

Бугунги кунда пискентлик ёшлар ижодкорлик, меҳнатсеварлик ва билимга чанқоқлик бобида энг илгор тенгдошларидан қолишмайдилар. Яқинда Пискентдаги 5-умумий ўрта таълим мактабида маданий-маърифий тадбир ташкил этилиб, ўқувчилар Абдуҷаббор Мавлонов, Ориф Одилов, Абдумалик Маллаҳўжоева каби тажрибали педагог устозларнинг ҳаётий сабоқларидан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, ушбу тадбир доирасида пискентлик ижодкор, бир қатор бодий асарлар муаллифи Собиржон Иномов ҳам "Чинорлар узоқ яшайди" номли янги асари билан қатнашди.



Тошкент Вилояти

Бугунги кунда пискентлик ёшлар ижодкорлик, меҳнатсеварлик ва билимга чанқоқлик бобида энг илгор тенгдошларидан қолишмайдилар. Яқинда Пискентдаги 5-умумий ўрта таълим мактабида маданий-маърифий тадбир ташкил этилиб, ўқувчилар Абдуҷаббор Мавлонов, Ориф Одилов, Абдумалик Маллаҳўжоева каби тажрибали педагог устозларнинг ҳаётий сабоқларидан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, ушбу тадбир доирасида пискентлик ижодкор, бир қатор бодий асарлар муаллифи Собиржон Иномов ҳам "Чинорлар узоқ яшайди" номли янги асари билан қатнашди.

ИЖОДКОРЛИК УСТУВОР

Шу ўринда мактаб қошида ташкил этилган ахборот-ресурс маркази фаолиятини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки ахборот-ресурс маркази фаолияти намунали йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчилар ва педагоглар учун турли мавзу ва йўналишдаги тадбирлар, давра сўхбатлари ташкил этиб келинмоқда. Бундан ташқари, ахборот-ресурс маркази энг замонавий техник воситалар билан таъминлангани ўқувчиларнинг ижодий изланишлари, компьютер дастурлари борасида ўз билимларини чуқурлаштиришлари учун имкон яратди. Ўқувчи ёшлар фақатгина замонавий компьютер технологиялари иштини ўзлаштиришга техник биригина қолмасдан, мутолаага жуда меҳр қўйишган. Шу боисдан тез-тез китобхонлик байрамлари, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилиб турилади. Бу тадбир-

ларда ўқувчилар жуда фаол қатнашадилар: аввало, ҳар бир тадбир ўқувчи ёшлар томонидан ёзилган махсус сценарий асосида ташкиллаштирилади, қолаверса, улар томонидан турли асарлардан сатҳа кўри-нишлари тайёрланади, муסיқий чиқишлар, рақс ижролари ташкил этилади. Бу тадбирларнинг янада мазмунли, ёшларимиз учун қизиқарли тарзда ташкил этилишида мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Лобар Расулова бош-қош бўлмоқда. Ўз касбига фидойи педагоглар сатъ-ҳаракати туфайли ишларимиз билан олиш ва касб-хунар эгаллашда, бадий ижод ва спортдаги ютуқлари билан баркамол авлод деган номга муносиб бўлиб воёга етиши шубҳасиз.

Комила ҲАМРОҚУЛОВА

Спорт ривожидида ҳамкорлик

Шу мақсадда республика бўйлаб, чекка қишлоқларга бўлган ҳудудларда мухташам спорт иншоотлари қурилиб, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон чет эл давлатлари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Хусусан, Япония давлати билан йўлга қўйилган лойиҳалар тахсинга сазовор. Япония бир неча йиллардан буён маданият йўналишида Ўзбекистонга кичик ҳажмдаги грантлар ажратиб келмоқда. Ана шундай грантларнинг навбатдагиси кунга кеча "Жар" спорт-соғломлаштириш марказида юштирилган тадбир давомида Ўзбекистон миллий каратэ федерациясига топширилди.

Имзоланган грант-контракт бўйича Ўзбекистон миллий каратэ федерациясига татами, кимоно, мат, химоя воситалари каби спорт жиҳозлари етказиб берилади. Тадбир давомида каратэ бўйича турнир, шунингдек, Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси спорт усталарининг кўргазмали чиқишлари бўлиб ўтди.

Тадбирда Япония томонидан Япониянинг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчиси Е.П.Цутому Хираока қатнашди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Шогирдлар иштиёқи устозга рағбат

Урганч шаҳридаги 5-сонли умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган "Йилининг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи натижаларини эълон қилиш фурсати етди. Шу тобора чет тили фани бўйича қатнашаётган Нафосат Қўшчанованинг ҳаяжони чексиз. "Шартларни тўри бажардиммикан, мактабда ўтган дарсим-чи? Дарвоқе, ўқувчилар мени яхши қабул қилишди, дарсада фаол иштирок этишди-ку..."

Бу уйлар унга сал бўлсам таскин берадди-ю, аммо ҳаяжонини босмасди. Нафосат Қўшчанова ғолиб бўлганини эшитиб, аввалига қулқуларига ишонмади, кейин беихтиёр кўзларига ёш келди.

— Раҳмат, — деди унга вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Эргаш Худойназаров "Фахрий ёрлик"ни топшира экан. — Мен танлов мобайнида ҳар бир фан бўйича ўтказилаётган дарсларни кузатишга, бугунги мактаб ўқитувчисининг қиёфасини, маҳоратини, са-

лоқиятини назардан ўтказишга ҳаракат қилдим. Сизнинг дарсингизга кирар эканман, дастлаб ёш ўқитувчининг билим ва кўникмаси етарлимикан, деган халғга борувдим. Машғулот замонавий, интерфаол усулда дарс ўтишининг ёрқин намунаси бўлди.

— Болагимда ота-онам билан зиёратта борганимизда хорижлик сайёҳларга Хива обидалари ҳақида гапириб бераётган таржимонга жудаям ҳавасим келганди, — дейди Нафосат Қўшчанова. — Ушанди онамга мен ҳам чет тилини ўрганиб, инглиз тили ўқитувчиси бўламан, дегандим. Онам қувониб: — "Жуда

лоқ тарбиясига ҳисса қўшишни ўз бурчим деб биламан. Зухраҳон РЎЗМЕТОВА, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси "Ахборот хизмати" ходими.

Суратда: кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиби Нафосат Қўшчанова.



Давуд АБИДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Хоразм Вилояти

Назорат

Галланинг сифат кўрсаткичи

бу галлачилигимизда долзарб масалалар

Нон — энг асосий истеъмол маҳсулотларидан бири. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг галлачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибори бу борада олиб борилаётган саноат-харажатлар, эришилган натижалар — бу жалқимизнинг улкан ютуғидир.

Юртбошимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, олимлар ва тегишли соҳа мутахассислари олдида республика ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос, юқори ҳосилдорликка эга ва касалликларга чидамли бўлган дон навларини яратиш, уларни махаллийлаштириш борасида масъулиятни вазифалар кўйилди. Бу борада ўтган йиллар мобайнида олиб боришган ишлар ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида нисбатан дон етиштириш ҳажми кескин ошди, 2009 йилда мамлакатимизда 6 миллион 610 минг тоннадан ортиқ дон етиштирилиб, бунинг ярмидан кўпроги фермер хўжаликлари иқтиёрида қолганлиги бунинг яқин ҳисобидир.

Республикаимизда жалқимиз дастурининг сифатли маҳсулотлар етказиб бериш бора-бора стандартиштириш, сертифицилаш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қабул қилинган бир қатор қарорлар ижроси юзасидан кенг қўлдан олишлар килинмоқда.

Ҳозирда республикаимизда маҳаллий галланинг сифатли маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатлар қаторидан жой олди. Барча масалаларда сифатга алоҳида эътибор берилади. Галла сифати унинг меъёр ва стандарт кўрсаткичлари билан белгиланади.

Давлат дон инспекцияси томонидан республикаимизда районлаштирилган ва етиштирилаётган бугдой навларининг турли ҳолати ва кимёвий хусусиятлари бўйича ҳар йили керакли таҳлилларни ўтказиб, навларни районлаштиришда тегишли тақлифларни бериб келмоқда. Таҳлил натижаларидан Республика нав сингас комиссияси ўз фаолиятида фойдаланиб келмоқда. Хусусан, 2009 йил ҳосилидан давлат ресурсларига қабул қилинган донларнинг 92,1 фоизи таҳлилий кўриқдан ўтказилди ва уларнинг асосий қисмини юқори синфларга мансублиги эътироф этилди.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, Краснодар ўлкасидан келтирилган "Таня", "Восторг", "Москва", "Кума", "Память", "Селянка", "Нота" ҳамда ўзимизнинг олимларимиз томонидан яратилган маҳаллий навлардан "Чиллаки", "Андижон-1", "Андижон-4", "Марс", "Маданият" ва "Замин-1" навлари ҳосилдорлиги, сифат кўрсаткичлари ва турли касалликларга чидамлилиги бўйича яхши натижалар бермоқда. Шундай нав бугдойдан ишлаб чиқарилган ун маҳсулотларидан пиширилган нонларнинг ҳажми кўтарилиши ҳамда сифати меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ келмоқда.

Галланинг эътиборли кўрсаткичларидан асосийлари — унинг ҳажми оғирлиги ва шаффолигидир. Бундай кўрсаткичлари юқори бўлган бугдойдан сифатли ун олини ва макорон ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

Новвойиллик соҳасида бугдой сифат кўрсаткичларидан яна бири — клейковина ҳисобланади ва стандарт бўйича меъёрланади. Бугдой таркибидagi клейковина миқдори га қараб тўрт тоифага, яъни юқори, ўрта, ўртадан паст ҳамда паст клейковинали донга бўлинади. Бу кўрсаткич асосан ер структураси, агротехника тадбирларининг қай даражада бажарилиши, иқлим шароити ҳамда галлани парварилаш даврида зараркунандалар ва касалликлар билан зарарланиш даражалари ҳам боғлиқ бўлади. Хасва бошоқдаги бугдойга мум пишиши даврида зарар етказиб, дондаги оқсилларни парчалайди. Зарарланган дондан ишлаб чиқарилган ундан қорилган ҳамир паст сифатли бўлади.

Фалла хасва билан зарарланишининг олдини олиш учун охириги йилларда республикаимизда катта ишлар амалга оширилди. Натижада зарарланган майдонлар кескин камайиб, давлатга сифатли галла етиштириб берилмоқда.

Юртимиз фермер хўжаликлари томонидан об-ҳавонинг турли инжиқликларига қарамай етиштирилаётган донни нес-нобуд қилмай сақлаш, ун ишлаб чиқариш ва жалқимиз дастурининг сифатли нон етказиб беришдек шарофли вазифа соҳа мутахассислари, хусусан, давлат дон инспекцияси ходимлари зиммасидаги муҳим вазифани янада оширмоқда.

Р.УБАЙДУЛЛАЕВ, "Ўздавдонинспекция" бошлигининг ўринбосари.

Жорий йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида бешта гўштни, етти та сутни қайта ишлаш корхоналари, ўн бир жойда сутни қабул қилиш шохобчалари, Көгайли туманидаги "Эркиндарё", Эллиққалъа туманидаги "Галаба" хўжаликларида мол боқиш тармоқларини ишга тушириш режалаштирилган.

Хизмат

Махмуд ҚАЙПАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария бошқармаси бошлиғи.

Моли соғнинг кўнгли чоғ

Республика ҳудудидаги 5 та дон, 3 та ёғ ишлаб чиқариш корхоналари қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиниб, ҳар бирида 50 бошдан 100 бошгача зотдор моллар олиб келинди. Шунингдек, ҳар бир туманда 10 мингдан 15 минг бошгача мўлжалланган паррандачилик фермаларини ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, Амударё тумани "Аму-Агро" фермер хўжалигида 30 мингтага мўлжалланган паррандачилик фермаси учун 800 миллион сўм, Тўртқўл туманидаги "Абсолют жемчуг" корхонасидаги 20 мингтага мўлжалланган паррандачилик фермаси учун 300 миллион сўм кредит ажратилиб белгиланган. Чорвачиликда зооветеринария ва наслчилик ишларини яхшилаш бўйича республикада айни кунларда 110 та зооветеринария шохобчалари ташкил этилган. Жорий йилда яна қўшимча 20 та ана шундай шохобчаларни ташкил этиш кўзда тутилган. Бу республика ҳудудида ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинида, туман марказларидан энг чекка қишлоқларда ҳам аҳолига зооветеринария хизмати кўрсатиш имконини беради.

Таҳриба

Чигитни пуштага экиш афзалликлари

Ҳар бир соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалиги, хусусан, деҳқончиликда ҳам маҳсулот таннархини арзонлаштириш, рентабеллик даражасини ошириш ва самарадорликни кўпайтириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун меҳнат унумдорлигини ошириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, сарф-харажатларни қисқартириш, ресурслардан тежаб-теғаб фойдаланиш талаб этилади. Ана шу масалалар биз — қишлоқ мулкдорлари фаолиятида, даладаринида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган олимлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Куйида биз кейинги йилларда қўллаётган икки янгиликка тўхталиб, бу борада тўпланган тажрибалар хусусидаги фикрларимиз билан ўртоқлашамиз.

Чигит экиш саялкаси, қатор ораларига ишлов беришда қўлланиладиган культиваторлар, пушта олиш агрегатлари ва бошқа техника воситаларини такомиллаштириш, уларнинг иш унумдорлигини ошириш, ёнилиги ва эҳтиёт қисмлар сарфини камайтириш ҳақида кўп бош қотирдик. Бу масалаларда мутахассислар, кўп йиллик тажрибага эга бўлган деҳқонлар яқиндан ёрдам беришди. Уларнинг кўмагида тўрт қаторлик саялка, культиваторларнинг икки четига биттадан агрегатни пайвандлаган ҳолда қўшиб, олти қаторлик қилдик. Қўшимча агрегатлар ҳисобдан чиқарилган саялка ва культиваторларнинг яроқли қисмларидан фойдаланиш эвазига тайёрланди. Иزلанишларимиз саялка ва культиваторларнинг иш унумдорлигини деярли 50 фоизга ошириш имконини берибди. Тракторнинг далага кириб-чиқиб ҳам шунчага камайди. Бу — ёнилигини тежаш ва меҳанизаторларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга шароит яратди. Шундай олти қаторлик саялка ва культиваторлардан фойдаланилиб, салмоқли натижага эришилган. Бундай агрегатлар ҳозирги "Корасийроқ" муқоабил машина-трактор парки ҳудудидаги даладарда қўлланилган.

Биз қўллаётган иккинчи янгилик чигитни пуштага қадашга дахлдор. Бундай усул дастлаб 10-20 гектарда синаб кўрилган бўлса, кейинчалик тажриба далалари кенгайтириб борилди ва 2009 йили шундай пайкаллар 180 гектардан ошиб кетди. Чигит пуштага экилиб, парвартиш қилинганда гўза нисоллари эрта ундирилиб, бақувват ва соғлом бўлиб ўсишига имконият яратилади. Янги усулдан фойдаланилганда тупроқ ёмғирдан кейин қотиб,

қатқалоқ бўлиб қолмайди. Қуёш нури ва иссиқликни кўпроқ олади. Чунки пуштада ҳарорат оддий усулдаги нисбатан 5-6 даража ортиқ бўлади. Янгилик туфайли гўза ривожланиши тезлашади. Шу омилар ҳисобига ҳосилнинг 10-12 кун эрта етилиши таъминланади. Фермерлар ва Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд филиали тадқиқотчиси Ҳамид Шукруллоев ҳамкорлиги шундай ижобий натижалар бермоқда.

2009 йил баҳори серёвгин келиши пахтакорларга кўп ташвиш туғдирди. Эрта экилган далалар икки, айримлари уч мартагача бузиб экилди. Шундай шароитда чигитни пуштага экишнинг афзалликлари "Корасийроқ" ММТП ҳудудидаги фермер хўжаликларида яққол намоён бўлди. Хусусан, "Нурбек Хамидов" фермер хўжалиги 30 гектарга чигитни пуштага экиб, гектаридан 36 центнердан ҳосил олди ва 28 миллион сўм соф фойда кўрди. Худди шунингдек, "Чакалазор" фермер хўжалигида 52 гектарга, "Юлдош Тошназар" фермер хўжалигида 36 гектарга, "Тоғайбобо"да 33 гектарга, "Худоёр пахтакор" фермер хўжалигида эса 38 гектарга чигит пуштага экилганлиги боис юқори самарадорликка эришилди. Янгилик қўл келаётганлиги туфайли 2010 йили бошқа қўшни фермер хўжаликлари ҳам чигитни пуштага экиш усулини қўллашга бел боғланганлар.

Худоёр ЭРНАЗАРОВ, Нарпай туманидаги "Худоёр пахтакор" фермер хўжалиги раҳбари. Бахтиёр ТОҒАЕВ, шу тумандаги "Тоғайбобо" фермер хўжалиги раҳбари.

Қашқардаги Вилоят

Қишлоқ мулкдори

Даромад ошса, имкониятлар кенгайди

Қашми туманидаги "Зиёдулло ўғли Нурулло" фермер хўжалигининг 40 гектар галлазорини тиним даврига киргунга қадар икки марта озотли ва фосфор ўғит билан сифатли озиклантирилди. 50 гектарлик пахта майдонини эрта кузда сифатли ҳайдалиб, пушта олинганди.

— Биз эрта баҳордан бу майдонларга чигитнинг "Бухоро-6" навини қадайдимиз, — дейди фермер Зиёдулло Нуруллоев. — Бугунги тадориғимиз мўл ҳосилга замин бўлади.

2004 йилда 50 гектар майдонда ташкил этилган

ушбу фермер хўжалиги ер майдонлари айни пайтда 90 гектардан ошди. Ҳосилдорлик дондан 50 центнерни, пахтачиликдан эса 40 центнерни ташкил этмоқда.

Омиқорлик бўлган қилинган ишлар, агротехника тадбирларининг ўз вақ-

тида амалга оширилиши, даромадни кўпайтириб, имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилаётган.

СУРАТДА: Фермер хўжалиги раҳбари Зиёдулло Нуруллоев.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



Ирригация, мелиорация ва сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, аспирантлар ва магистрантлар ДИҚҚАТИГА!

Тошкент ирригация ва мелиорация институти етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 26 мартдаги 79-сонли буйруғига асосан очиқ лекциялар ўтказиш тўғрисида ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Table with 10 columns: №, Маърузачининг фамилияси, исми, шарифи, илмий даражаси ва ўнвони, Маъруза мавзуси, Сана, Кафедра номи, Ўқув корпуси, аудиторияси, вақти, Маъруза тили, and 10 columns of course details including lecturer names, topics, dates, and credits.

Жиззах вилояти

Хандон писта: қир-адирларга тароват, соҳибига кони даромад



Бухоро вилояти

Юрт хизматига доимо шай

Рўзимурод Бадриддинов Бухоро вилояти йўл ҳаракати бошқармасида инспектор кинолог вазифасида хизмат қилиб келади.

У ўзига бириктирилган хизмат итлари ёрдамида йўл патруль хизмати масканларида транспорт воситаларини белгиланган тартибда текширувдан ўтказиб, улар орқали гийҳованд ва портловчи моддалар, таъқиқланган моддий товар бойликларнинг ноқонуний ташилиши ҳолатларини аниқлашда ижобий натижаларга эришиб, ҳамкасблариغا ўрнак бўлиб келмоқда.

Ҳамроз АЛИ олган сурат.

Тошкент вилояти

Янги йўналишлардан барча манфаатдор

Мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент электр тармоқлари ОАЖда ҳам айна шу мақсадда истиқболли лойиҳалар амалиёти татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги "Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ёқатиб берилган электр энергияси учун аҳоли истеъмолчилари билан ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш, аҳолига хизмат кўрсатишни кен-

гайтириш ва банклардаги нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида "Тошкент электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти "Пайнет" МЧЖ билан ҳамкорлик ришталарини боғлади. Хозирги пайтда вилоятнинг барча туман ва шаҳар электр тармоқларида маҳсул касса апаратлари орқали аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. "Пайнет" тизимининг афзалликларидан яна бири истеъмолчилар томонидан тўланган пул маблағларидан ҳеч қандай устама ҳақ олинмайди.

Раимкул СУЯРОВ

Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги ҳамда туман деҳқон ва фермер ҳўжаликларига ёр майдонларини ажратishi комиссияси туман давлат захираси ихтиёридаги қуйидаги ёр майдонлари буйича танлов ўтказилишини эълон қилади:

Table with 5 columns: №, Фермер ҳўжалиги номи, Ҳудуд номи, Йўналиши, Умумий ёр майдони, Суғориладигани

Маълумот учун тел.: 76-21-115, 76-21-777

Барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси 2010 йил қурилиш манзилли дастурига киритилган "Бухоро шаҳри ИБН Сино кўчасидаги 4-сонли болалар мусика мактабинини қайта қуриш" иншоотининг бошланғич нархи ҚҚС билан 900,0 миллион сўм, буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз 750,0 миллион сўм эканлиги қайд этилган. Шуларга ўзгартириш киритилиб, юқорида қайд этилган иншоотнинг буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз 800,0 миллион сўм, буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз 666,66 миллион сўм этиб ўзгартирилганлиги маълум қилинади.

Ушбу иншоотнинг ўзгартирилган нархлари буйича маълумотни танлов савдолари ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан олишингиз мумкин. Манзил: Бухоро ш. Навоий шўх кўчаси 5-уй 18-хона. Тел.: (8-365) 223-96-29; факс: 223-97-51.

Галлаорол туманидаги Аламли қишлоғида яшаётган Оққиз буви Сулаймонова бу йил 115 ышга тўлади. Абдулла Каримов ҳар кун эрталаб ишга отланаркан, онажонни кузурига кириб, ҳол-аҳвол сўрашни, унинг оқ фотиҳасини олишни қанда қилмайди.

— Яхши бор, болам, — дейди онаси. — Яратганини ўзи қўллаб, олсингни яқин, оғирингни енгил қилсин, ишларингга ривож, боғ-роғинг, қорвангга барака ато этсин!

Она ҳузуридан Абдулла аканинг кўнгли тоғдай кўтарилиб чиқади. Аламли даштларига етиб келганида ўғиллари Абдуолим, Абдувоҳид ва Абдусайд қўй-қўзиларни суғораётган ёки ўтлатгани яйловга ҳайдаётган бўлишади.

Абдулла ака фарзандларининг меҳнатсеварлигидан хурсанд. Уларнинг ва ўзининг тиниб-тинчимаслиги туфайли фермер ҳўжалиги ташкил этилганига эндигина ўн йил бўлганига қарамай, "Истикбол" ширкат ҳўжалигидан олган 100 гектар ери яна шунчага кўпайди. 50 бош қўй-қўзиси 600 бошга етди. Яна умр йўлдоши Ойсафар она келинларига бош бўлиб кўнига 30-40 литр суг соғиб олаётган сигирлари ва зотдор бедови ҳам бор. Аллоҳнинг қорчасига барака ато этаётгани шу-да! Боғ-роғларини айтмайсизми?

— 1,5 гектар боғимиз бор, — дейди Абдулла ака. — Асосан дашт иқлимга чидамли бодом, ўрик, олма ва беҳи дарахтларини ўстирялгимиз. Юз тўндан зиёдроқ тоқимиз ҳам бор. Узумнинг майиз-боп қора қишмиш, тоифи, форш маскиси, қрашители навлари лалми ерларда ҳам яхши ҳосил бераркан. Дарахт ва тоқларимиз бурноғи йилдан ҳосил бера бошлади. Мева ва узумларимизнинг таъми бошқача. Гарашадан келтириб ўтказилган ҳўсайиларнинг Хоним бармоқ тури ўз маконидан ҳам ширинроқ

туюлади. Чунки бизнинг дашти-мизда кўёш тоғли Гарашадаги қарағанда кўпроқ нур ва ҳарорат тўқиди-да!

Лалми боғдорчилик ва узумчиликнинг суви ердаги нисбатан яна бир афзаллиги шундаки, уларга зарарқунанда ҳашаротлар, касалликлар камроқ ҳавф солади.



Менимча, бу ҳам бобо Кўёш саховатидан.

Артезиан қудуқ орқали қиш чилласида бир марта суғоришдан сўнг ёз фаслида дарахтларни икки марта, тоқларни бир марта суғорамиз, холос. Тоқлар намгарчиликни ўнчалик ёқтирмайди.

Уларга кўпроқ кўёш нури бўлса, бас. Атрофи кенг бўлса, қўлч ўзиб, ўсгани-ўсган. Шунинг учун тоқ: "Менга соя ҳам, ҳамсоя ҳам керакмас", дермиш.

— Роғларингиз ҳам борми? — дейман ҳазиллашган киши бўлиб.

— 55 гектар майдонда манзарали дарахтлар ўстирялгимиз, роғларимиз шу-да! — дейди Абдулла ака ҳазилга ҳазил билан жавоб бераркан. — Туман марказидан 60 километр узоқликдаги Оқтош қир-адирларида хандон писта етиштирялгимиз. Хандон пистани биласиз-а? Ҳозир бозорлардаги энг қиммат мева шу бўлади: килоси фалон минг сўм.

Писта дарахти бошқа дарахтлар ўса олмайдиган тақир лалми жойларда ҳам ўса олади ва яхши ҳосил беради. Қир-адирларга ҳусну тароват бағишлаганини кўйинг, улар тупроқни эрозия ва емирилишдан, ёгингарчиликлар туфайли ювилиб кетишдан ҳам сақлайди. Танаси атрофида кургоқчиликка чидамли, қорва моллари учун емишбоп ўсимликлар ўсиб чиқади. Боиси, у сув тўплаш ва мелиораторлик ҳусусиятига эгадир.

Абу Али ибн Сино хандон писта мағизи, ёғи ва ҳатто, пўчоғидан ошқозон-ичак, жигар, ўт пўчағи, сийдик-қовуқ касалликларини даволашда, асабларни тинчлантиришда фойдаланган. Нафас йўллари шамоллаши, астма ва энурезни даволашда яхши самара

Келди ДЎСТБЕК

Ғалабалар давом этади: Футбол "Ал Аҳад" — "Насаф" 0:4

2010 йилги мавсум Осиё майдонларида тўп сураётган Ўзбекистон жамоалари учун омадли бошланди.

Аваллига "Бунёдкор" Осиё чемпионлар лигасининг ўтган йилги мавсумида "Пахтакор"ни "хафа қилган" Саудия Арабистонининг "Ал Иттиҳод" жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратиб, мухлис-ларга бир олам қувонч ҳадея этди.

Уйиндан олдин "Бунёдкор" жамоаси бош мураббийи Сколарини йиғитлар мавсумга режа асосида яхши тайёр-гарлик қўргани, аммо ҳали мамла-катда футбол мав-суми бошланмагани ва футболчи-ларда ўтин амалиёти этишмасли-ги мумкинлиги тўғрисида айтган оўзларидан сўнг "Бунёдкор"ни ду-ранг натижа ҳам қаноатлантирса ке-рак, деган ҳавлга келган эдик. Ҳар ҳолда Тошкентга Осиёнинг энг ном-дор жамоаси, ўтган йилги Осиё чемпионлар лигаси фи-налчиси таширф буюрмоқда эди. Аммо бу жамоа "Бунёд-кор"дан жавобсиз учта тўп ўтказиб юборди. "Бунёдкор" бу ўйинда рақибидан ҳар жаҳдада устун кўринди. Назар-нимизда "Ал Иттиҳод" ўз ўйи-рини кўрсата олмади. Тўғри-роғи, "қалдирғочлар" бунга имкон бермади.

"Пахтакор" минимал ҳисоб-да ғалаба қозонди. Кейинги ўйинларда "Пахтакор"дан ҳимояда бўлгани каби ҳужум-да ҳам жамоавий, ёркин ўйин-ларни кўтиб қоламиз.

Футбол мухлислари учун энг катта тўққани "Насаф" тақдими эди. ОФК кубогига бир неча йиллик танаффусдан сўнг иштирок этаётган Қарши шаҳри клуби меҳмонда Ливаннинг "Ал Аҳад" клуби усти-дан 0:4 ҳисобида ғалаба қозонди. Ва бу билан ОФК кубогига иштирок этишдан мақсади жиддий эканини маълум қилди. Уйинда бош қаҳра-мон ролини "Наса-ф"нинг легионер ўйинчиси Сергей Крот ижро этди. Биринчи бўлим 32-дақиқаси ва иккин-чи бўлим дастлаб-ки дақиқаларида киритилган голлар

қибни ўтказиб юборганини ҳисобга олганда жамоавий ҳимояни яхши йўлга қўя олди. Хусусан, "Пахтакор" бош мураббийи Миодраг Радулевич ҳам ўйиндан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида жисмоний жиҳатдан устунлик жамоага ғалаба келтирганини таъъд-лади. Мушоҳада қилиб кўрсак, авваллари Ўзбекистон жа-моалари бир бўлимга ета-диган ўйин кўрсатишар эди. Яъни, футболчиларимизнинг тез тоқибки қолаётганини қузатар эдик. Биринчи ўра-шувлардан олган таассурот-лардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, футболчилар жис-моний жиҳатдан яхши тайёргарликка эга. Бу қувончли, албатта.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

2010 йил 12 февраль кунги "Қишлоқ ҳаёти" газетасида эълон қилинган Тошкент шаҳар Бобоҷонов кўчаси-10 манзилда жойлашган "Ўзасаноқурилишбанк" Собир Раҳимов филиали янги биносининг қурилиши объекти буйича танлов савдолари 30 кундан кейин ўтказилиши кўрсатилаган.

Ушбу объект буйича танлов савдолари эълон чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

Тошкент ш. Юнусовод т. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг 2006 йил 6 октябрдаги 002373-10-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "ТАФАККУР ПЛУС" МЧЖнинг давлат мулк йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "ABUNDANT BUSINESS" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "ABUNDANT BUSINESS" ҳусусий корхонасига ўзгартири-ни маълум қилади.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "KEEN PROGRESS" МЧЖнинг Устав фонди 131 880 000 сўмдан 2 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

"CENTRAL ASIAN CONSTRUCTION" МЧЖ таъсисчиларининг умумий йиғилиши баъномаси қарорига кўра Устав фонди 2 530 172 547,63 сўмдан 1 511 814 928,24 сўмга камайтирилганли-гини маълум қилади. Эътироз-лар қуйидаги манзил буйича қабул қилинади: Тошкент ш. Миробод т. Норхўжаев к. 164-уй 77-хонадон.

Тошкент ш. Ҳамза т. Тадбир-корлик субъектларини рўйхат-дан ўтказиш инспекцияси то-монидан 2009 йил 18 сентябр-да 002490-07 сонли реестр ра-қами билан рўйхатга олинган "СНОРРАНА КАПИТАЛ" ҳусусий фирмасининг ташкилий-ҳу-қуқий шакли МЧЖга ўзгаравт-ганлигини маълум қилади. Тел.: 425-41-19.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Ус-мон Юсулов кўчаси 100-хона-дон манзили учун Раджапов Наҳиса номига Шайхонтоҳур т. БТИСИ томонидан берилган ўй-лан ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкентский городской филиал ОАО "Kapital sug'urta" сообшот об утере бланков нижеследующих страховых полисов по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств и просит считать их недействительными.

КС0023734 КС0087285

КС0080374 КС0087286

КС0080376 КС0087287

КС0080391 КС0087288

КС0087282 КС0087289

КС0087283 КС0087290

КС0087284

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳад ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғулномжон ИБРАГИМОВ, Санд АРАБОВ, Сандамин САНДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахман БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНОВЕВ, Зайнулдин ОБИДОВ, Халитжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Агитая АДИЛОВ, Улугбек УЗОКОВ, Ўткир РАХМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманна ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулло ЮСУФОВ, Шерзоқ ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сўғий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Мазъанат ва изҳорат бўлими — 236-56-21, Халар ва ямаотчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДАУДАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қоракалпоғистон Республикаси — 352-54-58; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 593-27-57; Жиззах — 365-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-69; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 520-69-14; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар шакли учун буюртмачи жавобгар. 1-тўқрат маҳалда.

МАЪЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. E-mail: info@qishloqhayoti.uz. Навбатчи: А.ҚУЛМУРОДОВ, Мусаҳоҳиқ: С.ҚОДИРОВ, Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ.